

### **Араб маколлари**

Агар сенга итоат килишларини истасанг, килиш имкони бор бўлган ишни буор.

Ким сенга итоатсизлик килган кишига итоат килса, сенга хам итоатсизлик килган бўлади.

Яъни, душманингни дўсти хам душманингдир.

Кучли одам деб газаби келганда ўзини боса оладиган кишига айтилади.

Иффатли ва шижоатли кишигина хакикий маънода сева олади.

Хикмат калбда униб-ўсиб, тилда меваси кўринган дараҳтдир.

Йиглаб туриб килинган табассум энг гўзал табассумдир.

Марваридни факатгина гаввос танийди.

Агар хаё кетса, бало келади.

Инсонларнинг энг яхшиси бошқаларнинг ютуклари учун хурсанд бўладиган одамдир.

Жазолашдан олдин танбех бериш керак.

Узок кариндошдан якиндаги кўшни яхши.

Муаллими йўқ кишининг муаллими вактдир.

Йўлга чикишдан олдин йўлдошни танла.

### **Француз маколлари**

Ким икки дўстининг орасида хукм килса, улардан бирини йўқотади.

Кимки мен етиб келдим деса, у хали хам йўлнинг бошида турган бўлади.

Янги хизматкор кийикдан хам тезрок харакат киладиган бўлади.

Ёшимиз улгайгани сари хикматимиз хам ортади, яъни серхикмат бўлиб коламиз.

Ким факирнинг гўштини еса, суягига тикилиб колади.

Олтиннинг баҳоси бор. Лекин хикматнинг баҳоси йўқ, у бебаходир.

Кимки бир нарсани ишлатиб камайтирса, ўша нарсани сотиб олишга кизиккан бўлади.

Бироннинг обрўси, мол-мулки билан мактанма.

Вактни бехуда ўтказишдан хам ёмонрок жиноят йўқ.

### **Рус маколлари**

Ўгри доим уйининг олдида полиция тўхтаса, калтирайди.

Хизматкорларнинг мактоби билан хўжайинга баҳо берма.

Ёмон ишчи ўзига доим маломатни рўбарў килади.

Шайтон доим энг чиройли кийимлар билан безанади.

Тилингни пичок олдида ўйнатма, лабларингни кесиб оласан.

Бўрилар билан бўлса хам дўстлашавер. Мухими, кўлингда болтанг доим тайёр турсин.

Кудукка туфлама. Бир кун келиб ўша кудукдан ўзинг хам сув ичишинг мумкин.

### **Хитой маколлари**

Одамларнинг энг ёлғончиси ўзи хакида кўп гапирадиганидир.

Ёлғоннинг оёги йўқ.

Хар куни эксанг, хар куни ейсан.

Ёпик оғизга пашша хам кирмайди.

Аксингни кўрсатадиган энг яхши кўзгу – амалларингдир.

Мол-дунёни яхши кўриш донишмандни ахмокка айлантириб кўяди.

Илм олиш худди окимга карши сузишга ўхшайди. Агар сен олдинга интилмасанг, оким

сени ортга ёки истаган тарафига оқизиб кетади.

Хатоларинг шошилганинг туфайлидир, охисталигинг туфайли эмас.

Донишманд одам жохил одамнинг ёмонлигини кечиради.

Агар бир одамга битта балик берсанг, уни бир кун овкатлантирган бўласан. Борди-ю, унга балик тутишни ўргатиб кўйсанг, уни бир умр овкатлантирган бўласан.

### **Япон маколлари**

Сирингни хизматкорингга хам айтма.

Инсоннинг калби сирларни саклайдиган энг мустахкам сандикдир.

Йиги хам керак, аммо у муаммонинг ечими эмас.

Бир-икки томчилардан анхорлар пайдо бўлади.

Уруш майдонида кимнинг жасурлиги билинади.

### **Олмон маколлари**

Ким энг юкори зинага чикмокчи бўлса, ишни биринчи зинага оёк кўйишдан бошлиши шарт.

Яна хам бой бўлишни хохламайдиган бой одам топилмайди.

Кўркок хатар пайтида оёги остини ўйлайди.

Хусуматлашиб турган одамингдан бўлса хам илм ўрган.

Ким ахмок билан тортишса, унинг ахмокона жавобини эшитишга чидасин.

Тажриба энг яхши устоздир. Лекин унинг нафакаси, тўланадиган хаки жуда киммат, оғирдир.

### **Америка маколлари**

Садака соябонга ўхшайди. Качон хаво ёмон бўлиб, ёмгир ёгса сени пана килиб туради.

Шошма-шошарлик хамма нарсани барбод киласди.

Китобнинг номини ўқибок у хакида хукм чикарма.

Кийинчиликсиз топган пулингни надоматсиз ишлатасан (совурасан).

Бирорга сирингни айтсанг, унинг кулига айланасан.

### **Британ маколлари**

Ким иккита куённинг ортидан кувса, биттасини хам ушлай олмайди.

Агар хар биримиз уйимиз олдини тоза тутсак, кўчамиз хам тоза бўлади.

Одамларнинг айбларини мис асбоб билан кавлаймиз, аммо уларнинг фазилатларини эса сув устига ёзамиз.

Гоҳида унчалик ялтирамаган нарса жуда киммат нарса бўлиб чикади.

Мендан бошка хеч ким пойабзалим оёгимни кисиб, азоб бераётганини билмайди, хис килмайди.

Юмшок, енгил берилган жавоб газабни хам босади.

Сафар аклли одамнинг хикматини кўпайтиrsa, ахмок одамнинг гафлатини кўпайтиради.

Кечангни кечадек ўтказ, яъни дам ол, кундузингни кундуздек ўтказ, яъни меҳнат кил, баҳтили бўласан.

### **Испан маколлари**

Ўз сирини яширолмаган киши одамларнинг энг заифидир.

Кўз билан кўришдан олдин калб билан кўр.

Бир кишига муносиб бўлган нарса бошканинг касал бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Севги, гина-кудурат, мол-дунё. Булар яшириб бўлмайдиган нарсалардир.

Ростгўйликнинг битта ранги бор. Ёлгоннинг эса сон-саноксиз ранглари бор.

Италян маколлари

Ким бир одамга зарар келтирса, ўша зарар кўпчиликка етади.

Кўпчиликда баҳиллик ва очкўзлик мол кўпайгани сари ортади.

Очлик энг афзал ошпаздир.

Козининг олдида йиглаган ютказади, кўз ёшлари бехуда кетади.

Дўстингни бор айблари билан яхши кўр.

### **Турк маколлари**

Мулойим сўз берк эшикларни хам очади.

### **Швед маколи**

Ўзи яшайдиган уйнинг эгасини чакадиган чивин каби бўлма.

### **Янги Зеландия маколи**

Якинларга ва дори-дармонга кийин кунда мухтоҷ бўламиз.

### **Эфиоп маколи**

Оғзингдагини ютмай туриб яна овкат тикма.

### **Мавритания маколи**

Ишнинг бошидан кўра охири, окибати хакида кўпроқ ўйла.

### **Босния маколи**

Ким бир соат вактини бехуда ўтказса, бир йил вактини хам бехуда ўтказади.

### **Швейцария маколи**

Дўстнинг тили, талаффузи доим енгил, тушунилиши осон бўлади.

### **Словак маколи**

Муваффакиятсизлик сенга муваффакиятдан кўра кўпроқ нарсани ўргатади.

### **Украин маколи**

Жарохатсиз қахрамонлик бўлмайди.

### **Португал маколи**

Бахт – дўстларнинг кўплигидир.

### **Лотин маколи**

Ким ер устида ўтиrsa йикилишдан кўркмайди.

### **Чех маколи**

Агар мушукни камаб кўйсанг арслонга айланади.

**Голланд маколи**

Ким дўст кидирмаса ўзига ўзи душман бўлиб колади.

**Юнон маколи**

Орзу унумсиз ерда ўсган дарахтдир.

Хакикат кечадан кейин албатта келадиган кундузга ўхшайди.

**Венгер маколи**

Бугунги арпа нон эртанги бугдойдан килинган пирожнийдан афзалдир.

Табассумсиз юз дарахтсиз bog кабидир.

**Дания маколи**

Кийим канчалик ок бўлса, унга теккан дог шунчалик равшан кўринади.

**Ирланд маколи**

Ким бошқаларга чукур казиса унга ўзи йикилади.

**Поляк маколи**

Агар пешкадамлик ва устунлик либос билан бўлганда товус маҳлукотнинг энг гўзали бўларди.

Нозимжон Хошимжон